
“ДАМАС” хатланди ва савдога қўйилмоқда Қарздорнинг “МАТИЗ” автомашинаси жарима майдонига олиб кирилди.

“ДАМАС” хатланди ва савдога қўйилмоқда Қарздорнинг “МАТИЗ” автомашинаси жарима майдонига олиб кирилди.

Бюронинг Данғара тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Қўқон туманлараро судининг 04.10.2022 йил кунги ижро ҳужжатига асосан қарздор Н.З.дан ундирувчи "Vodiy Taraqqiyot" МЧЖ фойдасига 50.018.480 сўм ундириш кредит қарзини ундириш белгиланган, давлат ижрочиси томонидан қарздорга суд қарорини ижросини таъминлаш юзасидан ихтиёрий муддат берилган

Лекин, қарздор ихтиёрий муддат ичида суд қарорини ижросини таъминлаш чорасини кўрмаганлиги боис, бюро томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, 17.11.2022 йил куни гаров мулки бўлган “ДАМАС” русумли автотранспорт воситаси ушланиб, жарима майдонига олиб кирилди ва хатланди

Ҳозирда ушбу хатланган мулкни аукцион савдоларга қўйиш чоралари кўрилмоқда

Бюронинг Данғара тумани бўлими иш юритувида бўлган ФИБ Қўқон туманлараро судининг 16.09.2022 йил кунги ижро ҳужжатига асосан қарздор Х.Ф.дан ундирувчи "Эхтиром плюс микрокредит ташкилоти" МЧЖ фойдасига 19.800.945 сўм ундириш кредит қарзини ундириш белгиланган бўлиб, давлат ижрочиси қарздорга қарзини тўлаш учун ихтиёрий муддат берган

Лекин, қарздор ихтиёрий муддат ичида қарзини тўламагани боис, мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, 17.11.2022 йил куни гаров мулки “МАТИЗ” русумли автотранспорт воситаси ушланиб, жарима майдонига олиб кирилди ва хатланди

Ҳозирда ушбу хатланган мулкни аукцион савдоларга қўйиш чоралари кўрилмоқда

МИБ Данғара тумани бўлими

2022-11-18 19:00:03